

Ҳадис дарслари (224-дарс) Таҳоратда «Аъузу биллаҳи» ва «Бисмиллаҳи»ни айтиш муҳимлиги



19:00 / 29.03.2023 3712

نَعْلَلٰا يَضْرِبُكْنْبَيْبَا نَعْلَلٰا يَلْصِيَّبَنْلَانَعْ
أَنْطَيَشْ وَأَوْضُولَلَنِإِلَاقَ مَلَسَ وَ
سَأْوَسَ وَأُوقَتَافُنَأَهَلَّلُأَقْيَ
عَمْلًا،

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таҳорат учун Валҳон деб айтиладиган шайтон бор. Сув васвасасидан сақланинглар», дедилар».

Улуғ саҳоба Убай ибн Каъбнинг кунялари Абу Мунзирдир. Умар ибн Хаттоб бу кишини «Сайийид ал-муслимин» деб чақирап әдилар.

Бу зот иккита Ақаба байъатида, Бадр ва ундан кейинги ҳамма ғазотларда иштирок этдилар.

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлган олти қозининг бири әдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Умматимнинг қориси Убай ибн Каъбдир», деб марҳамат қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ менга Қуръоннинг Баййина сурасини Убайга ўқиб беришга буюрди», деб айтдилар.

Убай ибн Каъб Исломга киришларидан олдин яҳудий бўлиб, уларга нозил бўлган китобларни ўқиб чиққан ва ўзлари ҳам китоб ёзар әдилар. Исломга киргандаридан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий котибларидан бири бўлдилар.

Ҳаммаси бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 164та ҳадис ривоят қилдилар. Бу зотдан бир нечта кишилар ривоят қилганлар.

Бу зот ҳижратнинг 30-санасида вафот этдилар.

Ибн Замра айтдилар:

«Мадинага келсам, халқ қўзғалган, шов-шув бўлаётган экан. Нима бўлди, деб сўрасам, «Бу шаҳарлик эмасмисан, ахир мусулмонлар ва қорилар саййиди вафот этдилар-ку», деб айтди».

«Валҳон»нинг луғавий маъноси «ўта берилган» деганидир. Демак, шайтонларнинг ичида кишиларни таҳоратда васваса қилишга ўта берилганлари бор экан. Унинг васвасасидан эса таҳорат ва ғуслни бошлишда «Аъузу биллаҳи» ва «Бисмиллаҳи»ни айтиш билан, эътиборни ва хаёлни бир жойга қўйиб, турли шубҳали фикрлардан узоқда бўлиш билан сақланиш мумкин.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хуносаси асосида чоп этилган.